

Турмушга чикканига эндигина икки йил бўлган кўхликкина, ёш, аклли, замонавий ва ўқимишли жувон Розмари Феллни эри жуда яхши кўрар, ундан ҳеч нарса аямасди. Розмари тушган оила, мабодо келин у ёки бу нарса харид килмокчи бўлса, Лондонни наззрига илмай, тўппа-тўгри Парижга йўл оларди. Киш окшомларидан бирида Розмари тилла магазинга кириб келди. Мудир атайлаб яшириб кўйилган кутичани пештахта остидан чиқарди.

— Вой, бунча чиройли! — деди хайратланиб Розмари. — Канча тураркан?

Мудир унинг сўзини эшитмаганликка олди, аммо бироздан кейин:

— Арзимаган пул, хоним, — деди.

— Менга саклаб кўйсангиз, илтимос.

Магазин мудири таъзим килди.

Ташкарида ёмгир куяр, эндигина ёнган электр чироклари кандайдир гамгин милти-раб турарди.

Ана шу вақтда кичик жуссали, корачадан келган ёш бир киз Розмарининг ёнида пайдо бўлди ва мунгли овозда:

— Хоним, хайр килинг... — деди.

— Менга айтяпсизми? — овоз келган томонга ўгирилди Розмари ва худди сувдан чиқкандай калтираб турган бегона кизни кўрди.

— Хоним, — деди киз янада мунглирок охангда, — садака килинг...

«Садака»? Бу товуш кандайдир содда, самимий эди, сира гадойникига ўхшамасди.

— Нима, ҳечам пулингиз йўқми? — сўради Розмари шу захоти ноўрин савол бериб кўйганини пайкаб, хижолат чекди.

— Ха, хоним, — жавоб килди киз.

— Нахотки? — Розмари кизга диккат билан разм солгач, раҳми келиб, саховат кўрсатмокчи бўлди.

Фараз килингки, кизни уйга олиб борсин, хўш, унда нима бўлади? Шов-шув кўтарилиши табиий. Розмари бу бечорага хайратланиб қараётган дўстларига нималар дейишини тасаввур килди: «Шунчаки уйга олиб келдим...» Нихоят, кизга яқинлашиб, деди:

— Юринг бизникига.

Киз эргашди.

— Сиз мени полицияга топшириб юбормайсизми? — шубхаланиб сўради у, бироз юришгач.

— Полицияга дейсизми? — кулиб кўйди Розмари. — Нега энди? Савоб иш килмокчиман, холос.

Улар чиққан ёнгил машина тун кўйнига шўнгиб кетди.

— Мана уйга ҳам етиб келдик... Ўтиринг, марҳамат, — деди у кизни камин ёнида турган катта оромкурсига таклиф килиб.

— Яхши, хоним, — пичирлади киз ва шляпасини ечди.

— Келинг, пальтонгизни ҳам ечинг, — деди Розмари.

Киз ўрнидан турди, ўқг кўли билан оромкурсига суянди. Розмари унга кўмаклашди.

— Авф этасиз, хоним, — деди киз ранги ўчиб. — Хушдан кетяпман. Хозир йикилиб тушсам керак. Хоним, ейишга бирон нарса топилмайдими?

— Ё худо! Кандай берахмман-а!

Розмари хизматкорга буюрди:

— Чой опкелинглар! Дарров чой опкелинглар! Озгина коньяк хам!

Кизнинг кўзларига ёш калкди, у энди тортинчокликни унутганди.

— Мен бу холатда узокка боролмайман! — деди у бакириб.— Чидаб туrolмай-ман. Бу кунимдан ўлганим яхши...

— Бироз сабр килинг,— деди Розмари.— Ўзингизни босинг. Илтимос, йигламанг. Чой келтирилди. Киз йигини тўхтатиб, лаззатли таомлардан тўйиб тановул килди. Дастурхон йигиштирилганда лаблари кирмиз, кўзлари шахло бир сохибжамол оромкурсида ястаниб ўтирарди.

Шу пайт эшик туткичи буралди: «Розмари, кирсам майлими?» Бу унинг эри Филипп эди.

— Ха,— деди Розмари жилмайиб.— Бу менинг ўртогим...

— Смит хоним,— деди оромкурсидаги гўзал.

— Смит хоним,— деди Розмари.— Биз гурунглашаётгандик.

— Агар малол келмаса,— деди Филипп хотинига караб,— кутубхонага чиксангиз. Смит хоним бизни авф этсинлар.

Кўзлар тўкнашди. Розмари киз учун жавоб берди:

«Албатта». Эру хотин хонадан чикиб кетишди.

— Хўш,— деди Филипп кутубхонада,— ким у? Мехмонми?

Розмари эшикка суяниб кулди.

— Кўчадан топиб келдим. Ростдан. У мендан садака сўровди, уйга таклиф килдим.

— Табриклайман! — деди Филипп хазиллашиб.— Хўш, уни нима килмокчисиз?

— Билмасам,— деди Розмари елкасини кисиб.— Ўйлаб кўрамиз-да.

— Аммо-лекин,— деди Филипп сигаретининг кулини тушираркан.— У хаддан ташкари гўзал экан, ёши хам йигирмадан ошмаган, менимча.

«Гўзал?» Розмари шундай ажабландики, хатто уятдан кизариб кетди.

— Ох! — гапни илиб кеди Филипп.— У нихоятда гўзал экан! Нахотки сезмаган бўлсангиз? Хўш, энди Смит хонимни бугунги зиёфатга таклиф этишга ижозат берсангиз, жоним.

— Кўйсангиз-чи! — деди Розмари ва кутубхонадан чикиб кетди, бироқ мехмонхо-нага бормади. У ёзув-чизув киладиган хонасига кириб, курсига чўкди: «Гўзал! Хаддан ташкари гўзал...» Розмарининг юраги гупиллаб ура бошлади. У сейфни очиб беш фунт стерлинг олди, сўнг иккитасини кайтиб жойига кўйди-да, уч фунт стерлингни чангаллаганича мехмонхонага йўналди...

Бир ярим соатлардан кейин Розмари кутубхонага кайтиб келди.

— Сизга айтиб кўймокчи эдим,— деди Розмари.— Смит хоним тунги зиёфатда катнаша олмас экан.

Филиппнинг кўлидаги когоз тушиб кетди.

— А? Нега? Нима бўлди?

Розмари кулиб, эрининг тиззасига ўтирди.

— Негадир ўз-ўзидан кетаманга тушиб колди,— деди у бироздан сўнг.— Бечорага хайр килдим. Кетди. Раъйини кайтара олмадим.

Орага жимлик чўкди.

Бироздан сўнг Розмари мақсадга ўтди:

— Бугун магазинда ажойиб кутича кўрдим. Ўшани олсам майлими?

— Ихтиёрингиз,— деди Филипп.— Биласиз-ку, мен ҳеч қачон сизнинг раъйингизни кайтармаганман.

Лекин Розмари сўрамокчи бўлган нарса, аслида, бу эмасди.

— Филипп,— шивирлади у.— Мен гўзалманми-а?

Инглиз тилидан Ўрок РАВШАНОВ таржимаси